

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И
МАМЛАКАТДА ИШБИЛАРМОНЛИК
МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ
КЕЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ
БИР ГУРУҲИГА МИННАТДОРЧИЛИК
БИЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётимизнинг равнақ топиши ва юртимиз барқарор ривожланиши, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, бюджет барқарорлигини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги тадбиркорларга миннатдорчилик билдирилсин:

«Энг кўп иш жойлари яратган тадбиркор» сифатида

Азизов Шавкат Шахабидинович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Karakalpaksement” МЧЖ раҳбари
Мустафаев Азат Есбосинович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Atiyaj-gulzar” МЧЖ раҳбари
Ганиев Ақром Тўлқинович — Андижон вилоятидаги “NIL-granit” МЧЖ раҳбари
Тухтабаев Улугбек Абдурашидович — Андижон вилоятидаги “Khantex group” МЧЖ раҳбари
Мирзаалимов Раҳматулло Номанджанович — Андижон вилоятидаги “Bobur ХБК” МЧЖ раҳбари
Куватов Журъатбек Дилшадбекович — Андижон вилоятидаги “Makro Farm Andijon” МЧЖ раҳбари
Тиллабаев Хадиятилло Ахмадалиевич — Андижон вилоятидаги “Dinar tekstil” МЧЖ раҳбари
Абдураимов Азизбек Абдураимович — Андижон вилоятидаги “Zumrad textil” МЧЖ раҳбари
Нортожиев Азамжон Абдурахимович — Бухоро вилоятидаги “G’ayrat-chodak” МЧЖ раҳбари
Хамраев Ибраҳим Шайкулович — Бухоро вилоятидаги “Merganteks” МЧЖ раҳбари
Ачилов Шермухаммад Нуруллаевич — Бухоро вилоятидаги “Parvoz ximo ravnaq trans” МЧЖ раҳбари
Бурханова Сабина Фахридиновна — Бухоро вилоятидаги яқка тартибдаги тадбиркор
Базаров Дийёр Гафурович — Жиззах вилоятидаги “Sangzor-tekstil” МЧЖ раҳбари
Эргашев Алижон Султанович — Жиззах вилоятидаги “Jizzakh Textile” МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари
Паттерсон Уильям Даниел — Жиззах вилоятидаги “Silverleaf” МЧЖ раҳбари
Максуди Жамил Рафик ўғли — Қашқадарё вилоятидаги “Oq saroy textile” МЧЖ раҳбари
Муфтиллаев Дилшод Абдиллаевич — Қашқадарё вилоятидаги “Uz Shoes” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик
Лондонда Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган қўшма тадбирлар ўтказилади

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг Буюк Британия парламентининг Ўзбекистон бўйича умумпартиявий гуруҳи раиси Э. Бриджен билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон — Британия ҳамкорлиги, жумладан, парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳамда Лондонда Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига ва мамлакатда бўлажак Президент сайловиغا бағишланган қатор қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама этилди.
Томонлар сентябрь ойида Буюк Британия парламентида Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар нати-

жаларидан Британия сиёсатчилари ва жамоат арбобларини хабардор қилиш учун қўшма тадбирлар ўтказиш Шунингдек, мулоқотда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.
Учрашув якунлари юзасидан биргаликда тадбирлар ўтказиш самарадорлигини таъминлаш масалаларида ўзаро кўмаклашиш тўғрисида келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».



Шавкат Миромоновични узоқ йиллардан буён биладиган одам сифатида, қолаверса, ёнида юриб, бирга ишлаб характерини яхши билганим учун бу ҳол мени унчалик ажаблантирмади. У табиатан шундай одам. Гандан кўра меҳнатни, ишни афзал биладиган, қилган ишини баъзи сиёсий арбобчаларимиздан фарқли ўлароқ, овоза қилаверишни кўпам ўзига эп кўравермайдиган одам. Эҳтимол шунинг учун ҳам — фаолиятини бошлаганидан беш йил ўтибгина, матбуотга интервью берган. Шунда ҳам ортиқча керилишсиз, камтарона тарзда амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар ҳақида гапирган.

Мен шундай тушундимки, мазкур суҳбат халқ сайлаган Президентнинг ўз халқи олдидаги беш йиллик камтарона ҳисоботи.



Кудратилла РАФИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос.

ИМЗО Тўплаш – Сайлов кампаниясининг муҳим босқичи

Айни пайтда мамлакатимиз ҳаётида бўладиган ғоят муҳим сиёсий воқеалик — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини юқори даражада ўтказиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Маълумки, сайлов жараёни бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси миллий сайлов қонунчилигига риоя этган ҳолда амалга ошириляпти.



Шулардан бири — имзо тўплаш бўлиб, бу сайлов жараёнининг асосий босқичларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараёни “дастлабки қўллаб-қувватлаш” босқичи сифатида баҳолаш мумкин. Чунки Президент сайловида номзоди кўрсатилаётган фуқаро сайловчиларнинг камида бир фоизи томонидан қўллаб-қувватлансагина тегишли тартибда номзод сифатида рўйхатга олиниши мумкин. Ушбу қўллаб-қувватлаш жараёни сайловчилардан имзолар йиғиш орқали уудаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2021 йил 19 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисини 2021 йил 26 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Видеоқонференцалоқа тарзида ўтказиладиган ялпи мажлисида бир қатор масалалар му-

сига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

МАМЛАКАТДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БИР ГУРУҲИГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ибрагимходжаев Азиз Махаматович — Навоий вилоятидаги “Akfa Extrusions” МЧЖ раҳбари

Файzieв Улугбек Ганиевич — Навоий вилоятидаги “Zarafshon golden group” МЧЖ раҳбари

Гуерин Фредерик — Навоий вилоятидаги “Nurlikum mininguzbek-french joint venture” МЧЖ раҳбари

Азизов Насим Нематович — Наманган вилоятидаги “Merrymed farm” МЧЖ раҳбари

Камалитдинов Жобир Нуритдинович — Наманган вилоятидаги “Oqtosh tekstil” МЧЖ раҳбари

Мамадалиев Хасан Маматвалиевич — Наманган вилоятидаги “Mega tekstil” МЧЖ раҳбари

Саидов Абдуқаюм Абдураимович — Наманган вилоятидаги “FT textile group” МЧЖ раҳбари

Абдуллаев Нурали Юсуфалиевич — Наманган вилоятидаги “Nuran uz” МЧЖ раҳбари

Турсунов Абдурашид Амриевич — Самарқанд вилоятидаги “Sam-pegin” МЧЖ раҳбари

Кузиев Бурхон Муродович — Самарқанд вилоятидаги “Paxtachii klaster” МЧЖ раҳбари

Саидқонов Мунис Азизович — Самарқанд вилоятидаги “Samarkand-England eco-medical” МЧЖ шакидаги қўшма корхона раҳбари

Норматов Мухиддин Эркинович — Сирдарё вилоятидаги “Sirdaryo mega lyuks” МЧЖ раҳбари

Абдурахмонов Дурбек Халйигитович — Сирдарё вилоятидаги “Poly tex Sirdaryo” МЧЖ раҳбари

Тожимирзаева Гузалхон Баходир қизи — Сирдарё вилоятидаги “Wang da group” МЧЖ раҳбари

Хасанова Саидбири Нематовна — Сирдарё вилоятидаги “Orchid-beauty” МЧЖ раҳбари

Шоймардонов Шерзод Турсупўлатович — Сурхондарё вилоятидаги “Indenim klaster” МЧЖ раҳбари

Мусабоев Алишер Косимович — Сурхондарё вилоятидаги “Sherobod anor imrex” МЧЖ раҳбари

Эрдоған Фелиз Марашлиоглу — Сурхондарё вилоятидаги “Alles Sag’lik Group” МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари

Муратов Саидбек Адилбекович — Тошкент вилоятидаги “Quality device” МЧЖ раҳбари

Назирбеков Рустамбек Равшанбекович — Тошкент вилоятидаги “Navruz international corp” МЧЖ раҳбари

Рахметов Хикматулла Нарзуллаевич — Тошкент вилоятидаги “East mining invest” МЧЖ раҳбари

Разаков Муминжон Махамматович — Фарғона вилоятидаги “Fergana global textile” МЧЖ раҳбари

Сюй Деминг — Фарғона вилоятидаги “Farg’ona yasin qurilish mollari” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Якубов Абдуваққос Абдусатторович — Фарғона вилоятидаги “Albus cement group” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Аминова Наргиза Толибовна — Фарғона вилоятидаги “Narimteks” МЧЖ Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси раҳбари

Нурметов Сарвар Комилжонович — Хоразм вилоятидаги “Xorazm tex” МЧЖ раҳбари

Душамов Элёр Шухрат ўғли — Хоразм вилоятидаги “Textile finance Khorezm” МЧЖ раҳбари

Ахмедов Баходир Атамурадович — Хоразм вилоятидаги “Urganch baxmal” МЧЖ раҳбари

Хашимов Зафар Камилевич — Тошкент шаҳридаги “Anglesey food” МЧЖ раҳбари

Бекмуратова Наргиза Улугбековна — Тошкент шаҳридаги “Elegant Garment Textile” МЧЖ раҳбари

Назаров Муроджон Тахирджанович — Тошкент шаҳридаги “Franchising invest” МЧЖ раҳбари

Самиқжонов Бекзод Алишер ўғли — Тошкент шаҳридаги “Sofiya qandolat” МЧЖ раҳбари

«Энг яхши солиқ тўловчи» сифатида

Панаев Исламбек Кутлимуратович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Stroy vektor plus” хусусий корхонаси раҳбари

Нурибаева Бахитгул Зариевна — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Titan cement” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Юсупов Хурсандбек Убайдуллаевич — Андижон вилоятидаги “Saxovat texts” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари

Гадоев Шодмон Толибович — Бухоро вилоятидаги “Promtexservisspesmontaj” МЧЖ раҳбари

Файzieв Ботиржон Убайдуллаевич — Бухоро вилоятидаги “Petrochem Bukhara” МЧЖ раҳбари

Сайфуллаев Хожиакбар Гафурович — Жиззах вилоятидаги “Sangzor-parranda” МЧЖ раҳбари

Абдурахманов Илхомжон Турсунович — Жиззах вилоятидаги “Paxtakor teks” МЧЖ раҳбари

Юсупов Жамол Ахматович — Қашқадарё вилоятидаги “Nasaf profi servis” МЧЖ раҳбари

Гелдиев Уктам Хусанович — Қашқадарё вилоятидаги “Namuna qurilish montaj dezayn servis” МЧЖ раҳбари

Хамраев Бахтиёр Джаббарович — Навоий вилоятидаги “Gidro-stanko-servis” МЧЖ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

1 Бундан ташқари, Тошкент вилоятининг Занғиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улугбек ва Яшнобод туманлари, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартриш масаласини қўриб чиқиш кўзда тутилган.

Ташқи ишлар вазирининг 2021 йил биринчи ярим йиллик фаолиятига доир ахбороти ҳам эшитилди.

Шу билан бир қаторда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблея-

сининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чора-тадбирларининг ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалалар қўриб чиқилиши назарда тутилган.

Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшларни

жижмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш жараёнида юзага келаётган муаммолар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинади.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2020 йилда- ги ва 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги фаолиятига доир ҳисоботини эшитиш ҳамда Президентнинг “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимоя- си тизимини тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини тасдиқлаш, Олий суд таркибига ўзгартришлар киритиш тўғрисидаги ма- салалар қўриб чиқилиши ҳам назарда тутилган.

Кенгаш мажлисида Марказий банк томонидан янги қўринишдаги 5 000 (беш минг) сўмлик ва 10 000 (ўн минг) сўмлик банкнотларнинг чиқарилиши тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Хабар берилганидек, Давлат бошқаруви академиясида Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Сайлов комиссиялари аъзолари малақасини оширишни ташкил этиш концепцияси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун икки кунлик ўқув семинари бўлиб ўтди.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

266 нафар округ сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари, котиби ҳамда аъзолари иштирок этган тренингларда округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, округ ва УСҚ бинолари ҳамда овоз бериш хоналари ниҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, сайловни ўтказувчи сайлов комиссиялари ваколати ва вазифалари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш каби мавзуларда машғулотлар олиб борилди.

Кеча Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссияси раисларига гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари муҳри ҳамда кон- целярия маҳсулотлари топширилди.

МСК раҳбарияти ва аъзолари, ОАВ вақчалари иштирок этган тадбирда сайлов қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлар ҳусусида атрофича сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Сайлов кодексининг 21-моддасига му-

Конунчилик палатаси фракцияларида

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ЖАРАЁНИДАГИ ТАРТИБОТЛАР СОДАЛАШТИРИЛЯПТИ

Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексиغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ташқи иқтисодий фаолият йўналишида, яъни божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар талаблари асосида амалдаги Божхона кодексига тегишли ўз- гартиш ва қўшимчалар киритилгпти. Жумладан, товар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимларига жойлаштириш мақсатида талаб этиладиган рухсатнома- лар бериш тартиби бекор қилиниб, божхона расмийлаш- тируви муддати уч кундан бир кунга қисқартирилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнидаги мавжуд тартибот- лар соддалаштирилади, ин-

софли тадбиркорларни рағбат- лантириш ва ўзини яхши то- мондан кўрсатган компания- лар янги ваколатли иқтисодий оператор институтидан фойда- ланган ҳолда, соддалаштирил- ган тартибда божхона расмий- лаштирувидан ўтказилади.

Кизгирим муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллади.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлашти- риш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўз- гартиш ва қўшимчалар ки- ритиш ҳақида”ги қонун лойи- ҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида ерни ху- сусийлаштириш бўйича ариза- ларни топшириш ва қўриб чи-

қиш тартибини тубдан қайта қўриб чиқишга қаратилган янги нормалар киритилиши, яъни инсон омили таъсир қилмай- диган тарзда аризаларни топ- шириш ва қўриб чиқиш бўйи- ча автоматлаштирилган тизим жорий этилиши кўзда тутил- ган.

Ушбу йўналишда ер участ- каларини бериш (сотиш) ма- салаларини қўриб чиқувчи ком- иссиянинг фаолияти бекор қилинади ва комиссиянинг ер участкаларини хусусийлашти- риш тўғрисидаги қарори, Дав- лат активларини бошқариш агентлиги томонидан ер участ- касига мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерига алмаштири- лади.

Муҳокамалар давомида халқ вакиллари томонидан билдирилган тақлиф ва таъ- сийлар инобатга олиниб, қонун лойиҳаси маъқулланди. Фрак- ция ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳо- кама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Соҳага оид ҳуқуқий экспе- римент ақунлари натижасида қишлоқ ҳўжалигига мўлжаллан- маган ер участкаларини ху- сусийлаштириш тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимча- лар киритиш кераклигини кўрса- тувчи омилилар аниқланган. Ху- сусан, мамлакатимиз фўқа- ролари томонидан, уларага тад- биркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари- ни хусусийлаштириш имкония- ти мавжуд эмаслиги, ер бозо- рини тулиқ шакллантиришга ҳамда ер участкаларини ху- сусийлаштиришда тенг ҳуқуқларни беришга имкон бер- маслиги маълум бўлган. Ху- сусийлаштирилган ер участка- ларининг қўйматиини аниқлаш- нинг мосланувчан тизими йўқли-

Йиғилишда қонун лойиҳаси қизгирим муҳокама қилиниб, фракция аъзолари лойиҳадаги бир қанча баҳсли масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари- ни билдирди.

Депутатлар томонидан ўрта- та ташланган саволлар очиқ қолгани, лойиҳа бўйича қўллаб тушунмовчиликлар келиб чи- ққани туфайли қонун ташаббус- корлари ва масъул қўмита то- монидан халқ вакиллари иш- тирокида семинар ўтказилган- нидан сўнг фракциянинг навбатдаги йиғилиши кун тар- тибига киритиладиган бўлди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри- сида”ги, “Давлат божхона хиз- мати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўз- гартиш ва қўшимчалар кири- тиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси- да”ги қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Шунингдек, сайловчилар битта ёки бир нечта номзод-



Ассалому алайкум!
Ушбу жумла эшитилганида инсоннинг дили беихтиёр равшанлашади, қалбига бир нур инади. «Ассалому алайкум», бу — «мен сизга тинчлик тилайман» дегани, «Тинчлик-омонлик бўлсин!», «Яхши кунларда кўришайлик!», деган тилаклар ҳам кишига ўзгача хуш ёқади.

Ҳўш, нега шундай? Бу тилаклар некинлик ташигани учунми?

XXI асрга келиб, юракда таҳлика кўзговчи хавфу хатар кескин кучайди. Бир томонда — тоза ичимлик суви, нефть ва газ захиралари тақчиллиги, экологик инқироз ва мисли кўрилмаган фавкулотда офатлар, иккинчи томонда эса уруш ва адоват, вайронкорлик ва қабохат.

...Ёзининг жазирама чилласида бир нажот истаб дунёнинг исталган нуқтасида кетишга рози бўлиб, Ватани чегарасини кесиб ўтишга, бунинг учун, ҳатто, ҳавога кўтарилаётган учоқлар қанотларига осилиб олишга-да тайёр қочқинлар, уларнинг аянчли қисмати ва оғир йўқотишлари кимнинг юрак-бағрини ўртамайди, дейсиз. Холбуки, уяси бузилган бир қушнинг безовта чирқиллаши баъзан одамнинг қалбини тилка-пора қилиши мумкин...

Бугунги кунда дунёда юз бераётган нотинчликлар, талотумлар бизга алоқадор эмас, деб ким айта олади?

Тобора глобаллашиб бораётган дунё нафақат ижтимоий-сиёсий, балки маданиятлар ва қадриятлараро масофаларни ҳам қисқартириб қўйди. Эндиликда бир давлат, минтақа учун мансублик касб этадиган муаммо қолмади: у ҳам худди ижобий омиллар сингари умумийлик касб эта бошлади ёки барча жамиятларни бевосита ўша «огрик»қа маълум маънода дахлдор қилиб қўйди.

Шу ўринда Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Тереза Мэй «Биз бугун уруш ўчоқлари фақат Яқин Шарқда, биз ва фарзандларимиз хавфдан холимиз, дея хотиржамликка берилмайлик, ундан умидвор ҳам бўлмайлик, аслида уруш таҳдиди ва унинг қалбларни вайрон этувчи совуқ «мафкураси» аллақачон болаларимиз ётоғигача қириб келиб бўлган», деганида мутлақ ҳақ эди. Зотан, интернет тармоғи Ер юзини гўёки ўргимчак тўридай қамраб олган, ахборот маконида глобаллашув тенденциялари тобора фаоллашаётган бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда вазиятга бундан-да ортиқ ёки жўялироқ изоҳ беришнинг ўзи қийин.

Ха, инсоният учинчи минг йилликда кўпчилик эътироф этаётганидай, катта тамаддун — гипертехник ва ахборот-коммуникация тараққиётига эришди. Бироқ одамзод учун тинчлик-хотиржамлик, инсоний қадр-қиммат, меҳр-оқибат, умуминсоний қадриятлар олдидаги сомелик мудом эпик характер касб этиб келишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Миллий, диний, ирқий ва сиёсий адоватлар ҳали-ҳануз биз она сайёра деб атайдиган заминимизни қалқитиб тургани бор гап. Шу кунларда ён қўшнимиз, жафокаш афгон халқи тупроғида бўлаётган воқеалар, албатта, бизни ҳам бирдек хавотирга солади, қалбимизни огрилади. Ва ўз ўрнида, тинчлик-хотиржамлик, озодлик, яратилиш ва бунёдкорлик қандай улугъ неъмат эканини бевосита яна бир бор эсимизга солади.

Аслида, Афғонистонда ва умуман, минтақада тинчлик ва хавфсизлиكنи таъминлаш, бунинг мустаҳкам асосларини яратиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим бўғини бўлиб келган. Шавкат Мирзиёев даврига келиб эса бу фактор янада юқори нуктага кўтарилди. Ўрни келганда иккиланмай айтиш мумкинки, Шавкат Миромонович минтақа давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини тиклаш, ўтиши, маданияти, тили, дину



» **Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади. Жаҳон сиёсатшунослигида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди.**

қадриятлари деярли бир хил бўлган тарихий қардош халқларни бир-бири билан яқинлаштирмай туриб, давлатлар, қолаверса, минтақа истиқболи ҳақида ўйлаш бефойда эканини англаб етди ва иш бошлаган илк куниданоқ шу ишларга бел боғлади. Унинг бу ҳаракатлари бугунга келиб минтақа ижтимоий-сиёсий, қолаверса, иқтисодий ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар ясаганини таърифлаб ўтириш, менимча, ортиқча.

Яқинда халқаро экспертлардан бири Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлагач, Ўзбекистон амалга ошираётган ислохотлари билан минтақада



«чанглантирувчи» вазифасини ўтаётганини ёзди. Албатта, образли тарзда зикр этилган ушбу қараш теран маънога эга. Зотан, чангланмаган бог мевасиз бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз...

Чегараларнинг очилиши, делимитация ва демаркация жараёнларининг фаоллашуви, иқтисодий ҳамда энг муҳими, узоқ йиллар минтақа «полотноси»да қотиб қолган маънавий характер, ўзаро қардошлик ришталарининг бир манзил сари йўлга солиниши, айтиш мумкинки, бугун халқро қузатувчию экспертлар кўп гапираётган минтақа интеграцияси сари мақсадни қатъийлаштирди, десам, муболаға бўлмайди.

Қолаверса, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ташқи сиёсати бўйича тутган йўли алоқадор актёр давлатларнинг минтақа борасидаги геосиёсий ва геоиқтисодий режаларини қайта кўриб чиқишга ундади. Бунга мисол тариқасида Россия етовидидаги ЕОИИ, Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ва АҚШнинг Марказий Осиё бўйича ишлаб чиққан, янги «G5+1» стратегик лойиҳаларини келтириш мумкин. Шу жумладан, давлатимиз раҳбарининг ислохотлари минтақадаги баъзи қўшниларимизни ҳам танлов имкониятининг чеклангани туфайлигина кириб қолган позициясидан чиқиб, ўзлари учун анъанавий ва мутлақо табиий бўлган ўзанга тушиб олишига ёрдам берди.

Буюк Британиядаги «Chatham House» халқаро муносабатлар бўйича таҳлил марказининг «Kazakhstan: Tested by Transition («Ўтиш даври синовларидан ўтган Қозоғистон») деб номланган кенг қамровли маърузасида (муаллифи — Аннет Бор) келтирилишича, минтақа мамлакатлари ҳамкорликка алоҳида тайёрларлик кўрсатмаган шароитда Қозоғистон узоқ вақт давлат сифатидаги ўзлигини Евроосиё мамлакатлари сифатида шакллантириб келди. Ушбу майдончадан минтақада дахлдор муаммоларни ишлаб чиқишда фойдаланди. Ўзбекистон ислохотлар йўлига ўтган, биринчи президент Назарбоев Марказий Осиёнинг умумий мероси, шунингдек, неча минг йиллик маданий ва илмий ютуқлари ҳақида кўп гапирадиган бўлди. У 2017 йили «Остона» клуби қатнашчиларига мурожаат қилар экан, шундай деган эди: «Орадан чорак аср вақт ўтиб, тарихи, дини, маданияти ва менталитети — зехиняти бир бўлган Марказий Осиё давлатлари билан бирга бўлишимиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз ва минтақа хавфсизлигини биргаликда таъминлашимиз Аллоҳнинг иродаси эканини ҳаммамиз тушунамиз».

Ҳақиқатан ҳам, 2017 йилгача Ўзбекистоннинг қўшниларга нисбатан ёпик ва баъзи ҳолларда қарши сиёсати Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон ташқи сиёсатидаги ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий йўналишларни турли минтақавий гуруҳлар сари бурди. 2017 йилга келиб эса ушбу динамика ўзгарди ва бешта мамлакатга потенциал жиҳатдан ташқи иштирокчилар қатнашувисиз минтақа сиёсатини ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Бу, ҳеч шубҳасиз, Шавкат Мирзиёевнинг минтақа сиёсатида ижобий таъсири билан изоҳланади.

Гап гарчи, минтақамиз ҳаёти ҳақида кетар экан, мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги кўҳна стереотиплар ҳақида ҳам гапириш ўринли бўлади, менимча. Сир эмаски, узоқ йиллик мустабидлик ва у қолдирган «анъанавийлик» минтақа ҳаётини сунъий равишда чекланган имкониятларга қарам қилиб қўйганди.

Биз кўпчилигимиз энг яқин стратегик шерик деганда, ҳозиргача Россия ёки

Хитой назарда тутилишига ўрганиб қолганмиз. Қолаверса, бундай ўйлашимизга минтақадаги мавжуд шароит ҳам мажбур қиларди. Шу маънода, Шавкат Миромоновичнинг «Жануб концепцияси» бир неча асрлардан буён ўзгармай келаётган Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий харитасини янги ранглар билан бойитди. Ўзбекистондан то Покистон сари тортиладиган йўл бугун минтақа истиқболини белгилайдиган энг долзарб лойиҳа, дея баҳоланмоқда. Айни шу Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги савдо-сотик ва қолаверса, маданий-маърифий соҳалардаги алоқаларнинг ривож топишини бугун кўпчилик экспертлар кўҳна ўтмишнинг тикланишига қиёслаштиради.



» **Президент сифатидаги фаолиятининг маъномазмунини ташкил этадиган энг улугъ мақсад — халқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан фидокорона хизмат қилишдан иборатдир.**

Албатта, мустақиллик тарихимизда биз, гарчи унча узоқ тарих бўлмаса-да, кўп-кўп лойиҳаларни, баландпарвоз чарикларни кўрганмиз, эшитганмиз. Бироқ Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ҳамкорлик сари ташланган қадамлар шунчаки гап эмас. Буни яқинда пойтахтимизда ўтган халқаро конференция ҳам исботлаши мумкин. Жаҳонда пандемия бўлишига қарамай, мазкур учрашувда бир неча давлат раҳбарлари, ўнлаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг юқори мулозимли аъёлларининг тўғридан-тўғри иштирок этиши, унинг нақадар жиддий эканини ургўлайди, албатта.

Умумий маънода айтганда, бугун ҳақли равишда «Янги Ўзбекистон» дея аталаётган мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида жуда теран ўзгаришлар бўлди. Гарчи буни қаторлаштириб санашнинг мавриди бўлмаса-да, бир устувор жиҳатга мухтасар тўхталиб ўтмоқчиман. Зотан, бу миллий ўзлик билан боғлиқ масалалар.

Шу нарсани тан олиб айтиш керакки, Ўзбекистон ҳеч маҳал миллий ўзлигини таниш, англаш (идентитет) нуқтаи назаридан масалалар бугунгидек яқин келган эмас. Бизда то бугунгача, худди эски давр адабиёт назариясининг темир қондасидагидек, ижтимоий-маънавий, мафкуравий соҳаларда бир хил қараш, шаклан миллий, мазмунан социалистик дунёқараш ва сиёсий муҳит ҳукмронлик қилди. Афсуски, бу жамиятдаги ижтимоий, хусусан, миллий жабҳадаги ислохотлар йўлини тўсиб келди. Давлат тили, имло, диний қадриятларга бўлган қараш, афсуски, турли норозиликларга сабаб бўлди. Бугунга келиб, давлат тили ва имло бўйича бошланган ишлар, табиийки, халқимизни руҳлантириб юборди.

Айниқса, Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб давлатчилигимиз тарихида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлаши ёки чет эл раҳбарлари билан она тилимизда дипломатик музокаралар ўтказиши тилимизнинг, миллатимизнинг қадрини бир неча баробарга кўтарди. Ёки мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиб кириши Ўзбекистоннинг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий «характери» ўзгараётганини, давлатимиз мустабидлик ва янги кўринишдаги маънавий қарамликлардан силтаниб чиқиб, ўзлиги сари интилаётганини аңглатади.

Аслини олданда, Туркий бирлик гоёси бугун пайдо бўлган эмас. Буюк Амир Темур орзуларида ҳам туркий халқларни бирлаштиришни назарда тутувчи Турон тушунчаси мавжуд бўлган. Лекин ҳақиқат шундаки, биз узоқ йиллар шу ҳаётий ҳақиқатдан қочиб яшадик: кўполроқ қилиб айтганда, ўзимизнинг туркий халқ эканлигимизни тан олмадик.

Шавкат Миромонович бу тарихий ҳақиқатни тиклади. Нафақат тиклади, балки Кенгашга куч ва ишонч руҳини мустаҳкамлади. Буни аъзо давлатлар экспертларининг кўпчилиги холис эътироф ҳам этди. Баъзи маълумотларга кўра, йил сўнгига Истанбулда бўлиб ўтадиган Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида Туркменистон ва Венгрия давлатлари етакчилари ҳам иштирок этиши кутилмоқда. Буни ҳеч истисносиз тарзда Шавкат Мирзиёев феномени ва янги Ўзбекистонга бўлган ишончнинг амалий ифодаси, дейишимиз мумкин. Қолаверса, шу биргина ҳаётий мисол Президентимизнинг «Биз эргашувчи эмас, эргаштирувчи бўлишимиз керак», деган гоёларига мос тарзда «жаранглаши» кишида ифтихор уйғотди.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтмасам бўлмас. Бу биз таҳлил этаётган ҳаётнинг, жамиятнинг мураккаб томонлари ҳақида эмас. Билъакс, унинг ёрқин ва соф тарафидан, яъни болалар нигоҳидан назар ташласак.

Мен хизмат вазифам юзасидан турли аҳоли қатламлари орасида кўп бўлман, худудларга бораман, оддий одамлар даврасида мулоқотлар қиламан. Биласизми, шунда бир жиҳат жуда кўп марта эътиборимни тортган: беғубор болаларнинг Шавкат Мирзиёевнинг суратини кўрганда «Бу бизнинг Президентимиз!», «Бу менинг Президентим!» дея қувонганидир.

Бу нимадан дарак? Бу Ватан келажаги бўлган авлоднинг давлат раҳбарига ишончидан, эртанги кунига ёруғ умидларидан далолат. Муҳими, улар орасида турли миллат болалари бор. Аммо барчаси ўзларини бир Ватан — янги Ўзбекистон фарзандлари деб билишади.

Энди айтинг-чи? Халқнинг беғубор қатлами бўлган болалар қалбигача кириб борган инсонни ҳақиқий маънода Миллат Сардори деб аташга ҳақдор эмасмизми?

Демак, бугун Ўзбекистон халқи жипслик ва яқдиллик билан ўз истиқболини, жонахон Ватанининг келажагини Миллат Сардори Шавкат Мирзиёев сиймосида кўрмоқда.

Мен бу гапларни шунчаки ёзаётганим йўқ, албатта. Кеча Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда» сарлавҳа остида берилган интервьюси мени шу мавзуда, қисқа даврда ҳаётимизда юз берган ва бераётган воқеа-ходисалар ҳақида қалам тебратилганда ундади.

Зотан, мазкур суҳбат кўз олдимда кеча



» **Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишлариға мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.**

ва бугуннинг хотираларини кино лентасидаги тасвирлардек жонлантирди. Суҳбатни қайта-қайта ўқидим. Ва амин бўлдимки, Президент Шавкат Мирзиёев бу борада ҳам ўзига, ўзлигига содиқ қолди.

Ута камтарлик, қилган ва қилаётган ишларини кўз-қўзламаслик ёки шунчаки тафсилот сифатидагина айтиб ўтиш, «Мен» демаслик, нима бўлса, «халқимиз», «одамларимиз», нари борса, «командамиз билан бирга амалга оширдик», дея қилинган ишларга изоҳ бериш...

Шавкат Миромоновични узоқ йиллардан буён биладиган одам сифатида, қолаверса, ёнида юриб, бирга ишлаб характерини яхши билганим учун бу ҳол мени унчалик ажаблантирмади. У табиатан шундай одам. Гапдан кўра меҳнатни, ишни афзал биладиган, қилган ишини баъзи сиёсий арбобчаларимиздан фарқли ўлароқ, овоза қилаверишни кўпам ўзига эп куравермайдиган одам. Эҳтимол шунинг учун ҳам фаолиятини бошлаганидан беш йил ўтибгина, матбуотга интервью берган. Шунда ҳам ортиқча керилишсиз, камтарона тарзда амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар ҳақида гапирган.

Мен шундай тушундимки, мазкур суҳбат халқ сайлаган Президентнинг ўз халқи олдидаги беш йиллик камтарона ҳисоботи.

Холбуки, мақташга ва мақтанишга арзигулик ишлар ҳам, кўрсатишлар ҳам кўп эди... Ташки ва ички сиёсатда, иқтисодиётда қисқагина муддатда у амалга оширган ишларни урдалаш учун баъзан одамзодга Аллоҳ берган умр ҳам етмаслиги мумкин...

Қолаверса, бу дунёда ўзи тириклигидаёқ ўзининг номига кентлару хиёбонларни қўяётган, ўзларига олтиндан барокко услубидаги бадий ландшафт бағрига ҳайкални ўрнатиб олган сиёсий лидерларни ҳам кўриб турибмиз.

Мен мавзудан келиб чиқиб бир мулоҳазани айтмоқчиман: Шавкат Мирзиёев ҳақида ёзиш жуда оғир ва қийин. Унинг фаолияти, характери, мухтасар айтганда, феномени анъанавий эмас. Унинг табиати ва характерига қандайдир фавкулдий бир куч бор. Шунинг учун ҳам халқимиз, айниқса, раҳбарлар орасида анча машҳур бўлиб кетган «Бу одам қачон ухлайди, қачон дам олади?» деган ибора унинг сийрати ва сувератигади шиддатни кўриб турган одамларни ажаблантирмайди.

■ Яхшилар ёди

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД
ЎКТАМ ИНСОН ЭДИ

Кечагина ёнингда турган, ҳаммаслақ бўлган, биргаликда катта-катта лойиҳаларни амалга оширган инсон ҳақида бугун ёднома ёзиш ниҳоятда мушкул.

У ҳақда хотиралар қўйилиб келади, эзгу амаллари кўз олдиндан кино тасмасидек бирин-кетин ўтади, ўтирсанг ҳам, турсанг ҳам ўйлайверасан, ўйлайверасан... Лекин қўлингга қалам олган чоғ ҳаёллар тумандек тарқаб, дилингни оғир бир маъюслик қоплаб олади. Хали яшаши керак эди, қиладиган бир дунё ишлари бор эди, кексайиб, мункиллаб қолганлар ҳам ризқини териб юрибди-ку, деган фикр уйғонади. Аммо, начора, тақдирнинг ҳукмига бўйсунтишдан ўзга чора йўқ. Шундай деб ўзингни юпатасан, қалбингга таскин беришга уринасан.



Мен Ўктам Пардаевич Умрзоқовни талабалик давримдан бери билмаман. Ёш, келишган, ҳаракатлари исмига яраша ўктам инсон эди. Институтни битириб, вилоятга ишга кетдим. Ўктам Пардаевич институтда илмий фаолиятини, таълимни давом эттирди.

Хаёт йўлларимиз туташ экан, пойтахтга сув ҳўжалиги бўйича масъул лавозимга келганимдан сўнг яна учрашдик. Йигилишларда, тadbирларда бирга қатнашдик.

Хамкорлигимиз 2018 йилда Президентимиз қарори билан сув ҳўжалиги соҳаси алоҳида вазирлик сифатида ташкил бўлганидан сўнг, айниқса, янада кучайди. Ўктам Пардаевич вазирлик ҳайъати аъзоси сифатида кучли жамоани шакллантириш, янги вазирлик фаолиятини йўлга қўйиб олиш, норматив-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишда астойдил хисса қўшди. Доимо янги ташаббус, қўтилмаган ғояларни илгари сурад эди.

Мисол учун 2018 йил 17 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорининг лойиҳасини тайёрлашда ўзининг қимматли, тажрибадан ўтган фикрлари билан амалий хисса қўшди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 октябрда қабул қилинган “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг лойиҳасини ишлаб чиқишда хизматлари катта бўлди.

Сув ҳўжалигидаги ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти соҳага оид кафедраларининг ихтисослаштирилган синфларини joyлаштириш тўғриси-

даги норманинг мазкур қарорга киритилиши айнан Ўктам Пардаевичнинг ташаббуси эди.

Шу билан бирга, илмий ва профессор-ўқитувчилар таркибидан, лойиҳа институтлари вакилларида, жумладан, чет эл мутахассисларидан иборат бўлган, шунингдек, сув ҳўжалигида лойиҳалаштиришнинг замонавий усуллари ва стандартлари-га амалиётда ўқитиш учун иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузурида ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф ҳам қарорда ўз аксини топди.

Охириги тўрт йилда Ўктам Пардаевич иштирокида қўллаб янгиликлар жорий этилдики, уларнинг нақадар муҳим эканлигини сув ҳўжалиги соҳасида узок йиллардан буюн ишлаб келаётганлар яхши тушунади. Хусусан, 2020 йил 1 январдан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув ҳўжалиги объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича ангидан амалга оширилган лойиҳаларга кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича махсус компонент киритилди.

Илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобида лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда қўшимча маблағлар киритиш амалиётга мажбур жорий этилди. Ушбу маблағларнинг 50 фоизи лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштиришга йўналтирилади, уларга фақат маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек,

алоҳида олимлар белгиланган тартибда жалб қилинади.

Маблагнинг қолган 50 фоизи Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув ҳўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Бунда мазкур маблағлар фақат сув ҳўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш мақсадида республика таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига грантлар ажратиш учун сарфланади.

Бу механизмнинг йўлга қўйилиши сув ҳўжалиги соҳасида сифатли кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришда тарихий ҳодиса бўлди, десак, муболага бўлмайди.

Ўктам Умрзоқов бутун умрини Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига, сув ҳўжалиги илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантиришга бағишлади. У киши институтга ректорлик қилган даврда сув ҳўжалиги, ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш тармоқлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, институтнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, моддий-техника базасини мустақамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардор кадрларни тайёрлаш жараёнини тубдан такомиллаштириш бораида катта ва бемисл ишлар амалга оширилди.

Институт мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг 2019 йилги рейтингига иккинчи ўринни эгаллагани, 2020 йилда Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг энг яхши университетлари рўйхатида киргани ҳам Ўктам Пардаевичнинг машаққатли меҳнатлари мевасидир. Яна бир жи-

ҳатни эътироф этиб ўтиш керак, сўнгги йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаларига ҳавас қилиб, ушбу даргоҳга ўқишга кирмоқчи бўлган ёшлар сони кескин ошди. Ёшлар ўртасида бренд таълим масканларидан бирига айланди.

Шу ҳақда гап кетганда бу йил илк мартаба институтдан 100 нафар талаба Жиззах вилоятида, 80 нафари Сирдарё вилоятида ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини эксперимент тариқасида ўтаганини айтиб ўтиш жоиз. Лойиҳаларнинг буюртмачиси, бош пудратчи ва сув ҳўжалиги эксплуатация ташкилотлари мутахассислари талабаларни қурилиш объектлари ва сув ҳўжалиги иншоотларига олиб бориб, уларни лойиҳа-смета ва қурилиш назорати ҳўжатлари билан таништириб, замонавий қурилиш ва сувни оқилона бошқариш услублари, техникаси ва технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий машғулотлар ўтказди. Талабалар, аниқроқ айтганда, сув ҳўжалигининг ёш кадрлари учун катта фойда берган бу тажриба кейинги йилларда ҳам албатта, давом этади.

Ўктам Пардаевич нафақат республикаимиз сув ҳўжалиги соҳаси ривожини, шу билан бирга, Марказий Осиё

Ўктам Пардаевичнинг эзгу амаллари, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси тараққиёти ва илм-фанига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Эҳтимол, ҳали сафдошлари, шоғирдлари томонидан у кишининг ибратли умр йўли ҳақида илмий мақолалар, салмоқли рисоалар ёзилар.

Ўрагимда қолган, айтишим керак бўлган гап шуки, ҳали тетик эди, қарилликча буй бермаган эди. Тогни талқон қиладиган журъати бор эди. Начора, тақдир экан...

Ўктам Умрзоқовнинг ёрқин хотираси умрбод қалбларимизда сақланиб қолади.

Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазир,
қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди.

ИЛМ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида ёшларнинг билим олиши, интеллектуал қобилиятларини намойён қилиши учун кенг имкониятлар яратиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида ёшларга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришда мутлақо янги тизим асосида иш ташкил этиш лозимлиги таъкидланган эди.

■ Таълим

Шу маънода, шу йил 30 июлда қабул қилинган “Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори олий таълим тизимида кенг имкониятлар тақдим этди.

Тахлилларга кўра, ҳар йили республикаимизда умумий ўрта таълим мактаблари, лицейлар, профессионал таълим муассасалари ҳамда махсус ижод мактабларини 600 — 650 минг нафар ўғил-қиз битирди.

Хусусан, Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтига ҳар йили 8 минг 753 дан зиёд абитуриентлар ўқиш истагини билдириб, ариза билан мурожаат қилади. Институтнинг 2021/2022 ўқув йили қабул квотасига биноан кундузги таълим шакли бўйича бакалавриятга 2 минг 275 нафар (шундан 77,3 фоизи тўлов-шартнома асосида) ва магистратурага 255 на-

фар (шундан 15,3 фоизи тўлов-шартнома асосида) абитуриент қабул қилиш режалаштирилган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар ўқув йили учун тўловни белгиланган муддатдан кечикиб тўлаш ҳолатлари учрайди. Айрим ҳолларда тест натижаларига биноан Давлат комиссиясининг қарорига кўра тўлов-шартнома асосида талабалikka тавсия этилган иқтидорли ёшлар белгиланган муддатда тўловни тўлай олмаганилиги сабабли ўқилиш давом эттирилмаслик ҳолатларига дуч келамиз.

Бундан ташқари, талаба тўлов-шартнома маблағларини тўлаш учун қўшимча иш қидиришга мажбур бўлади. Натижада ёшларимиз ўқишда сустқашлик кўзга ташланган ва ўз қобилиятини намойён этиш учун етарли билим ололмади. Бу эса, ўз навбати-

да, талабаларнинг етарли билим олиши, хорижий тилларни ўрганиши, бўш вақтларда ўз устида мустақил ишлашга салбий таъсир қўлади.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ушбу қарор талабаларнинг тўлов-шартнома маблагини имтиёзли шартларда тўлашга имкон беради. Айни чоғда эса олий таълимда тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган талаба-ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилади.

Қарорнинг муҳим жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, таълим кредитларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун 2021 йил 1 августдан бошлаб Молия вазирлиги ҳузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ташкил этилади. Бу жамғарма Давлат бюджетидан жорий йилда ажратилган 1 триллион сўм таълим кредити учун молиявий ресурслар тўри ва шаффоф тақсимланишини мувофиқлаштиради. Истикболда



ушбу маблағларни ҳақиқий талабдан келиб чиқиб ажратиш кўзда тутилган.

Таълим кредити учун Марказий банк асосий ставкасида 14 фоизли имтиёзли маблағ ажратилади. Талабага олий таълим муассасасидаги ўқишини битиргандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил мобайнида ушбу маблағни қайтариш шарти қўйилган. Яна бир томони Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оилалар фарзандларидан таълим кредити учун ҳеч қандай гаров ва кафиликлар талаб этилмайди.

Ўқув йили мобайнида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, ресурс маблағлари ва таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасайтирилади, агар оширилган тақдирда ўзгартиришсиз қолиши

кўрсатиб ўтилган. Бу ёшларнинг таълим кредити олишда тўлов қобилиятини рағбатлантириш ҳамда манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Таълим кредити маблағлари олий таълим муассасаларига тижорат банклари томонидан ўқув йили мобайнида ўқиш учун бир йиллик тўловнинг тўлиқ миқдори белгиланган тартибда тенг улушларда тўрт қисмга бўлиш йўли билан тўлаб бериш кўзда тутилган.

Бунда белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизи талабалikka тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари учун 1 октябргача, белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи 1 январгача, 75 фоизи 1 апрелгача ва 100 фоизи 1 июлга қадар ўтказиб берилади.

Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири, таълим кредити давлат, хусусий ва хорижий олий таълим ташкилотлари филиаллари кундузги таълим тури бакалавр йўналишлари ва магистратура босқичида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-

га, уларнинг ота-оналари ёки васийларига берилиши назарда тутилган.

Олий таълим муассасаларида иккинчи мутахассислик, сиртки ва кечки таълим бўйича таҳсил олаётган талабаларга ҳамда табақалаштирилган тўлов-шартноманинг минимал миқдорига тенг бўлган бир марталик тўловни амалга ошириш учун ушбу кредит маблағлари ажратилмайди.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу қарор олий таълим тизимининг кундузги шаклида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган ҳар бир талаба учун ортиқча муаммосиз ўқиш ва ўз қобилиятини кўрсатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида кўрсатиб ўтилганидек, олий ўқув муассасаларининг молиявий мустақиллигига эришишидек устувор вазифанинг бажарилишига олиб келади.

Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида молиялаштириш манбаларини тўлиқ диверсификация қилиш, ҳўжалик юртишда бозор механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Орифжон БОЗОРОВ,
Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ректори.

ФУҚАРОЛАР
ТУРМУШ ДАРАЖАСИ
СИФАТИНИ ОШИРИШ —
УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимизда кам таъминланган, ногиронлиги бор ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини изчил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш борасида қатор қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Пировард мақсад — коронавирус инқирози пайтида уларнинг мушкул аҳволга тушиб қолишига йўл қўймастик.

■ Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони айни шу эзгу мақсадга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Фармонда жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилиши, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори ойига 822 минг сўм, ёшга доир энг кам пенсиялар эса 565 минг сўм этиб белгиланди.

Лекин бу ҳақда ижтимоий тармоқларда айрим ноҳилис фикрлар ёзиб қолдирилаётганига ғувоҳ бўлмоқдамиз. Улар наздида, пенсия ва маош миқдорининг оширилиши инфляциянинг кучайишига, озиқ-овқат нархининг кўтарилиши ва миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади, қабилдаги постларни ҳам ўқиш мумкин. Балки 5 — 10 йил олдин шундай ҳолатлар кузатилган бўлиши мумкин. Аммо ҳозирги кунда бозорларда нисбатан барқарорлик ҳукм сурмоқда, нарх-навоининг асосий кўтарилишига йўл қўйилмапти.

Ҳозирги кунда коронавирус пандемияси оқибатида қўллаб-қувватларнинг иқтисодий ҳолати танг аҳволда қолаётган бир даврда, юртимизда аҳоли фаровонлигини мустақамлашга қаратилган бу каби чоралар, албатта, эътиборга молик. Бунга фуқаролар ўз ҳаёти мисолида хис қилиб, ҳўжжатларини тўлиқлашди. Наҳотки, бепасандлик билан эътирозли муносабат ёзаётганлар кейинги бир ҳафта ичида Президентимиз томонидан оғир шароитда яшаётган

халқимиз қатлами оғирини енгил қилишга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинганини сезмаган бўлса?!

Пандемия туфайли дунёда молиявий қийинчиликлар юз бераётган маҳалда ҳар қайси давлатнинг ҳазинаси ҳам бундай оғир юкни кўтаролмайдди. Лекин шундай оғир паллада ҳам ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилляпти. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий кудрати ва давлатнинг халққа қайишгаётганидан далолат беради.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий туман (шаҳар) бўлиmlарида ҳисобга олинган пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони шу йилнинг 1 март ҳолатига кўра, 3 миллион 865 мингга яқин кишини ташкил қилади.

Шу нуқтани назардан, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони ана шу рақамлар ортидаги инсонлар, қолар, миллионлаб ишчи-хизматчиларнинг оилаларига файз, қувонч ва хотиржамлик улашгани, шубҳасиз. Ушбу ҳўжжатнинг мустақиллигимизнинг 30 йиллиги олдида қабул қилингани эса бутун халқимизга, оилаларга янада байрамона кайфият бағишлади. Зотан, фуқаролар турмуш даражаси сифатини ошириш — устувор вазифадир.

Ўрол ЎРАЗБОВЕВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

■ Қулайлик

ЗАМОНАВИЙ
АВТОБУСЛАР ҲАРАКАТИ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Андижон вилояти марказида 20 та “Zhu yonghu” русумли автобус ҳаракатлана бошлади. Бунга “Алломши мероси” МЧЖнинг “Zhongtong Bus (Hong Kong) Company Limited” корхонаси билан 4,375 млн. АҚШ доллари миқдорига тузилган шартнома туфайли эришилди.

— Автобуслар ҳар томонлама замонавий, йўловчилар учун қулайлиги билан ажралиб туради, — дейди йўловчилардан бири Абдумалик Ҳайдаров. — Салон ичига ўрнатилган камера ҳайдовчининг бир пайтнинг ўзида ҳам автобус ичкарасини, ҳам ташқарисини назорат қилиш имконини беради. Ҳаво айланмасини таъминловчи ускуна эса ҳар қандай шароитда ҳам бир хил қароратни таъминлайди.

Яна бир муҳим жиҳат, авто-

бусга ногиронлар аравачаси ёки оғир юк билан ҳам бемалол чиқш мумкин. Бунинг учун махсус мослама ўрнатилган.

Жорий йилда Андижон шаҳрида 12 та янги автобус йўналишида ҳаракат таъминланиши кўзда тутилган эди. Лойиҳани амалга ошириш учун йил якунига қадар яна 50 та автобус келтирилиши режалаштирилган.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи».)

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор

Мухаммад Кабир БАХОДИРХОНОВ ҳамда профессор Бекмурот ТўЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва «Ўзэнерготашминлаш» АЖ жамоалари энергетика соҳаси ходими

Галина ПОНОМАРЁВанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-4784

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуротов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқурлов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.10 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5 6